



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 4 (12.315)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Туризм

ИЧКИ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Туризм — иқтисодийнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган йирик тармоқларидан. Аини пайтда, мазкур тармоқ дунё мамлакатлари ва халқларининг маданият соҳасидаги амалий мулоқотида ўзига хос робита вазифасини ўтамоқда.

Жаҳон сайёҳлик саноатида туризмдан тушаётган даромад автомобиль ишлаб чиқариш, нефть ва газ саноатидан кейин учинчи ўринда туради. Дунёда туризм соҳасида 195 миллион киши — иш билан банд аҳолининг саккиз фоизи меҳнат қилмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича сайёҳлар оқими йилга 4-5 фоиз ўсмоқда. 2012 йилда сайёҳларда саёҳат қилувчилар сони бир миллиарддан ошди.

Ўзбекистон — замонавий сайёҳлик инфратузилмасига эга мамлакат. «Ўзбектуризм» миллий компаниясидан маълум қилишларича, 2011 йилда мамлакатимизда бир миллиондан зиёд сайёҳга хизмат кўрсатилган. Бу 2010 йилга нисбатан 5,4 фоиз кўпдир. 2011 йилда сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажми 8,3 фоиз ошган. Соҳада иш юритаётган хўжалик субъектлари сони ҳам мунтазам ортиб бормоқда. 2011 йилда 124 сайёҳлик корхонаси, жумладан, 55 меҳмонхона ишга туширилган. Бугунги кунда мамлакатимизда ўшбу соҳада 865 сайёҳлик ташкилоти — 506 сайёҳлик оператори ва 359 меҳмонхона фаолият юритмоқда.

Мамлакатнинг туристик соҳадаги имкониятларини рўйбга чиқаришда ички туризмни ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Зеро, ҳар қандай янги туристик маҳсулотга, аввало, маҳаллий сайёҳларда қизиқиш уйғотиб, сўнгра уни хорижий сайёҳларга тақдим этиш самарали йўл эканлиги

халқаро тажрибада тасдиғини топган. Масалан, жаҳон сайёҳлик саноатида етакчи ўринни эгаллаган Испанияда аҳолининг 90 фоизи мамлакат бўйлаб саёҳат қилади. Ўшбу давлатга келувчи хорижий сайёҳлар сони эса 2012 йил яқини бўйича 58 миллионга етиши кўтилмоқда. Умуман олганда, бирор мамлакат миқёсида туризм интенсиивлиги 50 фоиздан ошса, яъни мамлакат умумий аҳолисининг 14 ёшдан катта қисмининг ярмидан кўпи бир йилда ҳеч бўлмаганда бир маротаба саёҳат қилса, бу ўша мамлакатда туризм оммавий тус олганидан далолатдир.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини тараққий эттириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар жараёнида ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада қатор ҳудудий дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Сайёҳлик хизматлари кўрсатиш соҳасига маданият, телекоммуникация, савдо, овқатланиш, саноат соҳаси ташкилотлари ҳамда муассасалари, оммавий ахборот воситалари фаол жалб этилмоқда. Мамлакатимизда ички туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш, ҳудудлардаги сайёҳлик базалари, дам олиш зоналари, пансионатлар, санаторий ва курортлар, рекреацион ва экотуристик ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Экологик ҳаракат марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда вазирликлар, қўмиталар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экологлар ва журналистлар иштирок этди.

Экология

ИЗЧИЛ ИШЛАР САМАРАСИ

Йиғилишда Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда Экоҳаракат томонидан амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов Экоҳаракатнинг дасту-

рий мақсад ва вазифаларини рўйбга чиқариш йўлида тизимли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда экологик қонунчиликни такомиллаштириш, давлат дастурлари ижросини таъминлаш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофазалаш билан боғлиқ устувор вазифаларга жамоатчиликни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасида жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, табиат-

ни муҳофаза қилиш қўмиталари, экология ва табиёт йўналишидаги нодавлат ношжорат ташкилотлар ва аҳоли фаол иштирок этди.

Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида халқаро ҳамкорлик қўлами ҳам тобора мустаҳкамланмоқда. 2012 йилда бир қатор хорижий экологик ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Трансчегаравий экологик муаммоларнинг салбий таъсирларини камайтириш, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид тадбирлар ташкил этилди.

Экологик соф муқобил энергия манбаларини жорий этиш, экологик таълим ва экожурналистикани ривожлантириш, экология ва табиёт йўналишидаги нодавлат ношжорат ташкилотларнинг фаолият қўламини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам ўз самараларини бераётди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнаомлигида ташкилий жиҳатдан муқаммал, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армияни барпо этиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бунинг самарасида миллий армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли қафолатига айланди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Қуролли Қучларимизда туб ўзгариш, янгиланишлар жараёни босқичма-босқич олиб борилди. 1991 йилнинг 31 августида «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, бу муҳим ҳужжат республикамизда ҳарбий сиёсатни амалга ошириш имконини яратди. Мазкур қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнот ўз Қуролли Қучларимизни тузишимиз учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Бу борадаги эзгу сазй-ҳаракатларга 1991 йилнинг 6 сентябридаги Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги Президент фармони билан пойдевор қўйилди. Кейинчалик Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

Юртбошимиз раҳнаомлигида 1992 йилнинг 14 январиде республика Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги Қарори билан мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий тузилмалар мустақил давлатимиз тасарруфига олиниб, 1993 йилнинг 23 декабрида эса Олий Кенгашнинг навбатдаги қарори билан 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни сифатида белгиланди.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастурига мувофиқ, ҳарбий тузилмаларни ягона қудратли тизимга биравлаштирган Қуролли Қучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта қўриб чиқилди. Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда унинг эски ёндашув ва қолиплардан принципиал жиҳатдан ажралиб турадиган қурилиш тизими бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни амалга ошириш асосида мамлакатимиз Қуролли Қучларини бошқаришнинг замонавий талабларга жавоб берадиган янги тизими яратилди.

Қўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгартирилди. Бугунги замонавий шароитда бошқариш нуқтаи назаридан ноқулай, самарасиз бўлган қўшилмалар, кўп погонали бошқарув тизимининг тугатилиши самарасида армиямиз қиёфаси тубдан ўзгарганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қуролли Қучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий операцияларни олиб боришга тайёргарлиги, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигига раҳна солишга, унинг ҳудудига суқилиги қирришга уринадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчиға муносиб зарба бериш қобилияти ошди.

Бугунги кунда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, миллий армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган бўлиб, аини пайтда миллий жанговар аънаваларимизни юксак садқадот билан давом эттирмоқда.

Қуролли Қучларимизда олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим амалий натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий

муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Собиқ тузум даврида йигитларимиз ҳарбий хизматни юртимиздан олисда бўлган ҳарбий қисм ва қурилиш батальонларида ўташга мажбур эди. Аскарлар ўртасидаги носоғлом муҳит, тенгсизлик ва инсон шахсини камситувчи турли иллатлар оқибатида ўша даврда ёшлар иложи борича ҳарбий хизматга бормасликка ҳаракат қиларди. Эндиликда Қуролли Қучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, аини чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди.

— Юртимиз тинчлиги, фуқароларимизнинг осойишта турмуш кечириши, сарҳадларимиз дахлсизлиги биз ҳарбийларнинг серғак ва оғохлигимизга боғлиқ, — дейди Жанубий-Ғарбий округ капитани Илҳом Миравазов. — Сафимизда хизмат қилаётган, мард, жасур йигитлар Ватан олдидаги муқаддас бурчини бир дақиқа бўлса ҳам унутмасдан, шижоат билан хизматни ўтамоқдалар. Негаки, ҳар бир инсон туғилиб ўсган юртини, унинг ҳар қарич ерини ардоқлаши, ҳимоя қилиши шарт. Ота-боболаримизнинг ана шундай ўғити билан камол топган ёшларимиз Ватан олдидаги хизматларини юксак ифтихор, чексиз гурур билан ўташга доимо тайёрдирлар.

Муддатли ҳарбий хизматга қақриш бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, сержантлар таркибининг сифат жиҳатидан сезиларли даражада кучайгани, сафарбарлик-қақирув резерв хизматининг жорий этилгани миллий армиямиз қиёфаси ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартиришга, жанговар тайёргарлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашда ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга қақриш ва ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни доимий яшаш жойларига қайтариш ишларини самарали ташкил этишда йиғин ва қақирув пунктларини замон талаблари даражасида шакллантириш муҳим ўрин тутди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «Қақирув ва йиғин пунктларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган Дастур ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида кейинги уч йилда 14 йиғин ва 178 қақирув пунктлари реконструкция қилинди. Шуни таъкидлаш жоизки, йиғин ва қақирув пунктларининг республика бўйлаб кенг қўламада реконструкция ва модернизация қилиниши қақирувни сифатли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI сағоси
АСР
Барча манбалардан олинган суҳбатлар ва маълумотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишлаб Қонунчилик палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда «Қамолот» ЁИХ кўмағида ташкил этилган «Парламентаризм билимдони» онлайн танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.
- Мамлакатимизда анъанавий тарзда кенг нишонланадиган Ватан ҳимоячилари куни олдида таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳалларда турли учрашув ва давра суҳбатлари, кўрик-танлов ва спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Шарқий ҳарбий округнинг Намангандаги ҳарбий қисмида вилоят ҳокимлиги, Мудофаа ишлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувга академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари тақлиф этилди.
- Самарқанд шаҳрида «Самарқанд таомлари», «Миллий ширинликлар ва қандолат маҳсулотлари» ҳамда «Самарқанд нонлари» кўрик-танловлари ўтказилди. Халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзига хос пазандалик анъаналарини асраб-авайлаш ва уларнинг ёш авлод томонидан давом эттирилишига эришиш, халқимиз дастурхонини тўқинлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда барча шаҳар ва туманлардан энг уста новвой, ошпаз ва қандолатчилар қатнашди.

ЖАҲОНДА

- 2001 йил 11 сентябрда халқаро террорчилар томонидан вайронага айлантилган Нью-Йоркдаги қўша минора — «Жаҳон савдо маркази» ўрнида қад ростлаётган «Жаҳон савдо маркази — 1» минорасининг гўмбазини Канаданнинг Квебек шаҳрида тайёрланиб, Нью-Йоркка олиб келинди. 2014 йил бошларида қурилиши якунланадиган бу янги минора Фарбий ярим шарда энг баланд, дунёда эса учинчи осмонўпар бино бўлади. Унинг баландлиги 1776 фут (541 метр)ни ташкил этади.
- Америка киноакадемиясининг нуфузли «Оскар» мукофотини топшириш бўйича мутасаддилар афсонавий Жеймс Бонд тўғрисидаги фильмлар ишланганлигига 50 йил тўлишини байрамонга тадбирлар билан нишонлашни режалаштирмоқда.
- Колумбия маъмурлари жаҳонга гиёҳванд моддаларни етказиб берувчи энг йирик нарккартеллардан бири ҳисобланмиш «Норте-дель-Валье» картелининг бошлиғи «Ганди» лақабли нарккартонни қўлга олдилар.
- Австралиянинг Тасмания штатида камида бешта аҳоли пунктларини қамраб олган қирққа яқин ўрмон ёнгинлари авжига чиқди. Бугунга қадар ёнгин юздан ортиқ уй-жойлар, жуда кўплаб электр узатиш тармоқларини қуйдириб қулга айлантирди, оролдан уч мингга яқин киши хавфсиз ерларга қўчирилди. Кучли ёнгин натижасида 100 га яқин киши бедарак йўқолган. Улар орасида ҳам маҳаллий аҳоли, ҳам сайёҳлар бор. Маҳаллий полиция вакилларининг таъкидлашича, бедарак йўқолганларнинг кўпчилиги ҳаётдан қўз юмган бўлиши мумкин.

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида


«Ободлик кўнгилдан бошланади» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЯККАСАРОЙ** туманидаги «Қушбеги» маҳалласида ўтказилган

тадбир «Ёшлар қамолотида спортнинг аҳамияти» деб номланди.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа туманидаги 23-оилавий поликлиникада оналар

ва болалар саломатлигини муҳофазалаш ва яхшилаш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.



«Президент арчаси» тантаналарини болалар орзиқиб кутади. Уларга бир олам қувонч, арча атрофидаги қизқарли томошалар, турли совғалару унутилмас таассуротларни ҳада этувчи бу тадбир давомида қишнинг аёзли ҳароратига ажиб бир илиқлик инади.

Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган суратлар

Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ энг кучли шахматчиларнинг 2013 йилдаги дастлабки рейтинг жадвалини эълон қилди.

Шахмат

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗНИНГ РЕЙТИНГИ ОШМОҚДА

Унга кўра, 2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ўн етти поғона юқорилаб, жадвалнинг 33-қаторидан жой олди. Унинг ҳисобида жами 2709 очко бор. Бу халқаро гроссмейстеримиз фаолиятидаги энг юқори рейтинг кўрсаткичидир.

Ҳамюртимизнинг жаҳон рейтингда юқорилашида 2012 йилнинг охирида Тошкент шаҳрида юксак савияда ташкил этилган ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқичидаги муваффақиятли ўйини асосий омил бўлди. Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида дунёнинг энг кучли ўн икки нафар гроссмейстери иштирокида ўтган мусобақада Рустам Қосим-

жонов ўн бир учрашувда мағлубиятга учрамаган ягона шахматчи бўлди.

Яна бир ёш гроссмейстеримиз Антон Филиппов ҳам ФИДЕ рейтингда тобора юқориламоқда. 2012 йилнинг ноябрь ойида илк бор энг кучли юз нафар шахмат устаси рўйхатида киритилган Осие чемпиони А.Филиппов 2652 очко билан яна тўрт поғона кўтарилиб, 95-ўриндан жой олди.

Мамлакатимизнинг кўп қарра чемпиони Сарвиноз Қурбонбоева илк маротаба 20 ёшгача бўлган шахматчи қизлар рейтингига киритилди. Спортчимизнинг мусобақаларда жамгарган натижаси ҳозирча 2135 баллдан иборат.

Футбол

ЎЗБЕК ФУТБОЛЧИЛАРИ – ЭНГ ЗЎР ТЎПУРАРЛАР САФИДА

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) ташкилоти дунё мамлакатлари миллий чемпионатлари олий лигаларида футболчилик фаолиятини давом эттираётган ва икки юзтадан кўп гол урган футболчиларнинг янги рўйхатини эълон қилди. 2012 йил якунига кўра тузилган тўпурақлар рейтингига киритилган 19 футболчи орасида энг кўпи – уч нафари ўзбек йигитларидир.

2012 йилдаги мавсумни Наманганнинг «Навбахор» жамоаси таркибига ўтказган Жаъфар Ирисметов жаҳон тўпурақлари рейтингига саккизинчи поғонага кўтарилди. Фаолияти даво-

мида мамлакатимиздан ташқари Греция, Россия, Украина, Беларусь, Хитой ва Қозғистон чемпионатларида самарали тўп сурган футболчимиз 441 учрашувда 240 гол урган.

2012 йилги миллий чемпионатимиз олий лигасида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси шарафини ҳимоя қилган Анвар Бердиев ҳам жаҳон тўпурақлари қаторига қўшилди. Яқунланган мавсумда 19 гол билан Ўзбекистон чемпионати тўпурақлари баҳсида голиб чиққан футболчи умумий голлари сонини 205 тага етказди. А.Бердиев бу кўрсаткичга эришиш учун 433 учрашувда майдонга тушган.

Мавсумни «Олмалиқ»да яқунлаган Зафар Холмуродов ҳам IFFHS рейтингдан жой олди. Тажрибали ҳужумчи фаолияти давомида «Насаф», «Машъал», «Хоразм» ва «Олмалиқ» таркибиде 379 учрашувда қатнашиб, рақиблар дарвозасини нақд икки юз марта ишғол қилган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Биз кўмсаб кутган қиш мудроқда бўлган салобатли тоғларимизни, ёзи билан жаннати меваларини тортиқ этган боғ ва далаларимизни оппоқ қор билан буркаган палла.

Яшил дўстларимиз бўлиши игнабаргли дарахтлар, хоҳ у сарв арча, зарафшон арчаси, ё ўрик арча бўлсин фақат ўлкамиз хуснига зеб бериб, фусункор қилибгина қолмай, балки хонадонимиз арзандасига айланди.

Игнабаргли наботот олами, шу жумладан арчаларнинг хосиятлари нақадар кўплигини санаб адоғига етиш қийин. Ўсимликлар дунёси бир қатор биологик фаол моддаларни ҳосил қилади. Бу моддаларнинг сони 300 дан ортиқлиги маълум. Мазкур моддалар 1 гектар майдондаги кенг баргли ўрмон дарахтларидан 2 кг, игнабаргли ўрмонлардан эса 5 кг дан ажралади. Арчалар ўзининг яшаши фаолиятида ажратадиган ушбу биологик фаол моддалар фитонцидлар номи билан аталади. Фитонцидлар касаллик кўзгатувчи микроорганизмлар қушандаси, ҳавони соғломлаштириб, бегубор, муссафо бўлишига омилкорлик қилади. Шу боисдан ҳам игнабаргли ўрмонларда ўпка касалликлари билан оғриш содир бўлмайди. Бундан ташқари, фитонцидлар одамнинг асаб тизими, юрак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, меъда-ичак функциясини яхшилаб, унинг тўлқинсимон ҳаракатини кучайтиради. Юқумли хасталиклар хуружини олдини олади.

Ўртимиз кўрки бўлган сарв арча, қора арча Помир-Олой тоғларининг денгиз сатҳидан 1600-3300 метр баландлик қисмида табиий ҳолда кенг

тарқалган. Арчалар гоҳо гуруҳ-гуруҳ, гоҳо яккаликда барча тоғли ҳудудларимизда учраб туради.

Зарафшон арчаси халқ табобатида жуда қадрланади, унинг яшил барглари исириқ каби туташиб турли хасталиклардан муҳофазаланади. Маҳаллий аҳоли бундай амални «удбурс» деб номлайдилар, у фақат ҳавони фарахбахшили муаттар

Наботот оламида

ИГНАБАРГЛИ ДАРАХТЛАР — ЯШИЛ ДЎСТЛАРИМИЗ

иси билан тўлдириб, киши кайфиятини зиёда этибгина қолмай, балки тажовузкор бактериялардан холи қилади. Агар дарахтнинг шохчалари асосида дамлама ёки қайнатма тайёрлаб оғиз чайиладиган бўлса, оғизни хушбўй қилиб, милкларни мустаҳкамлайди, тилни караш боғлашидан ҳимоя қилади.

Арчанинг сархил мевасидан бир нечтаси истеъмол этиладиган бўлса, унда кўзлар оғримайди, равшан қилади. Манбаларда келтирилишича, агар арчанинг гулда-мевасини ўн йил давомида еб туриладиган бўлса тиф касаллигидан асрайди,

Теннис


ДЕНИСНИНГ АВСТРАЛИЯДАГИ ГАЛАБАЛАРИ

Австралида теннис бўйича давом этаётган «Brisbane International – 2013» мусобақасида ҳамюртимиз Денис Истомин бош совринга даъвогарлик қилмоқда.

Дунёнинг энг кучли ракетка усталари иштирокидаги нуфузли турнирнинг дастлабки босқичида ўзбек теннисчиси саккизинчи рақамда сараланган словакиялик Мартин Клижанни 6:1, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Дениснинг австралиялик машҳур теннисчи Ллейтон Хьюиттга қарши ўтказган учрашуви нимчорак финалнинг энг кескин ва муросасиз беллашуви бўлди. Унда ҳамюртимиз 7:5, 7:5 ҳисобида зафар қучди.

Ярим финал йўлланмаси учун бўладиган кейинги баҳсда ҳамюртимиз биринчи рақамда сараланган буюк британиялик Энди Маррейга қарши қорға чикади.

«Brisbane International» халқаро турнири жаҳоннинг энг кучли ракетка усталари қаторида Д.Истомин учун ҳам «Катта дубулга» туркумига кирувчи теннис оламининг энг нуфузли тўрт турнирдан дастлабкиси – шу йилнинг 14-27 январь кунлари ўтказиладиган Австралия очик чемпионатида тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди.




кўз хасталикларидан муҳофаза қилади. Агар арчанинг яшил бутокларини мевали дарахтларга боғлаб қўйилса, дарахт тўкин, шигил ҳосил беради.

Сарв арчадан олинадиган эфир мойидан замонавий тиббиётда фойдаланилади. Ўсимликнинг гулда-мевалари пешоб ҳайдовчи қойлар таркибига кирди. Арча ёғочиде 0,2 фоиз, яшил барглари ва ғўра меваларида 0,64-1,16 фоиз атрофида эфир мойлари мавжуд, уларнинг 53 фоизини сабинен, 21 фоизини цидрол ва баъзи сесквитерпен ҳамда альдегидлар ташкил қилади.

Бизнинг ўлкамизда ўрик арча (тожиклар — балхарча, зардолибурча, руслар — можжевельник туркестанский деб номлайдилар) ҳам ўсади, у ўзининг кўркам кўриниши билан бошқа арчалардан қилинмайди. Жумладан, ўрик арчанинг гулда-меваларидан қайнатма тайёрлаб томоқ оғриғи, муртак безларининг яллиғланиши, ҳалқум, ҳиқилдоқ шамоллаши, тиш ва милкларни мустаҳкамлаш мақсадида ва даволашда оғиз бўшлиғи чайилади ёки фарғара қилинади. Маҳаллий аҳоли ўсимлик мевалари асосида қайнатма ва суртма дори тайёрлаб (экзема), сил, пешоб ҳайдовчи восита ва бошқа тери касалликларини даволашда фойдаланадилар.

Ўрик арчанинг янги бутоклари ўз таркибиде 73-0,67 фоиз эфир мойларини сақлайди. Мой таркибининг 71 фоизини пиненлар, 12 фоизини цидрол ташкил этади. Етилган гулдалар 20 фоиз қанд ва рангдор моддалар мавжуд. Маълумотларга қараганда, бир ўрик арча дарахтидан 12,6 кг гача шифобахш мева йиғиштириш мумкин экан.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳар ким бошқаларга ўзидан келиб чиқиб баҳо беради: тўғри ҳаммани тўғри деб ўйлайди, эгри эгри деб тасаввур қилади.

Руҳ жисмдан устун. Лекин баъзан жисм хоҳишлари руҳдан голиб чиқади.

Нодон билан талашган эмас, унга қўл силтаган ютади.

Ўзига ишонмаган ҳеч нимага эришмайди.

Ўзига ишонсизлик инсонни адо қилади.

Бахтни ҳар ким ўз даражасида тушунади.

Ота-она болаларига ибрат бўлиши керак.

Норозилик билан бошланган ишнинг охири хайрли бўлмайди.

Меҳр-муҳаббат ҳам бола қонига ота-она орқали ўтади.

Бахтни биров бермайди, уни ўзинг курашиб қўлга киритасан.

Доно тушунади, нодон хафа бўлади.

Болалар ота-оналари билан фахр этишлари керак.

Ташқи душманни амалласа бўлади, ички душман хавфли.

Кўрқоқ ўз соясидан ҳам хавфсираб яшайди.

Сабр этсанг, бир кун етарсан, Сабр этмасанг, тўзиб кетарсан.

Жисм қариган сари ақл яшариб боради.

Бор деган бор бўлади, Йўқ деган йўқ бўлади.

Аҳди бутуннинг бахти бутун.

Вазминлик билан чуқур ўйлаб қарасанг, тақдир ҳамиша ҳақ бўлиб чиқади.

Кўрқоққа муҳаббати ҳам омонат туюлади.

Нодон бировнинг ақлига муҳтож эмас.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Шофайз кўчаси, 5-ўйда яшаган Каримов Ниғматга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ

8-10 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 январда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво мулкунини ҳаво ўзгартиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража совуқ, кундузи —

Тошкент шаҳрида 8 январь ҳаво шароити шаҳар ҳаво мулкунини ҳаво ўзгартиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража совуқ, кундузи —